

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Сапарова Гулбахар

Нукус давлат педагогика институти доценти

Узакова Гулмира

Нукус давлат педагогика институти магистранти

**АННОТАЦИЯ:**Мақолада оила тарбияси, оилавий муносабатлар жонли, ўсиб ўзгариб борувчи жараён экани, улар жамият таъсирида, уларга узвий боғлиқ ҳолда янгилашиб бориши масалалари муҳокама қилинади. Жамият таракқиётида оилавий муҳит ота-она, фарзандлар, боболар, бувилар ва оиланинг бошқа яқинларининг бир-бирларига бўлган муносабатлари, уларнинг иноқлиги, аҳиллиги, тотувлиги, бир-бирларини яхши тушунишлари, ҳурмат қилишлари, ёрдамлашишлари, ардоқлашлари каби категориялар тафсилланади. Шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида оила манфаатларини ҳимоя қилишга оид эҳтиёжнинг мунтазам ортиб боришида алоҳида ўрин тутади.

**Калит сўзлар:**жамият, оила, ота-она, фарзанд, маданият, маънавият, санъат, урф-одат, анъана, миллат, миллий ўзликни англаш, қадрият, эстетик омиллар, диний омиллар, сиёсий омиллар, тотувлик.

**Кириш:**Оила тарбиясини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари бизнинг фикримизча куйидагилар:

- моддий-иқтисодий омиллар (оила аъзоларининг даромадлари, кўшимча даромадлари, уй, уй жиҳозлари, техник ҳамда алоқа воситалари);
- сиёсий омиллар (давлат олиб бораётган сиёсат, бошқарув принциплари);
- ҳуқуқий омиллар (Конституция, Оила кодекси, давлат дастурлари);
- диний омиллар (муқаддас китоблар – Таврот, Забур, Инжил, Куръон ва ҳадислар, диний маросимлар ва байрамлар);
- эстетик омиллар (саноатнинг барча турлари, уйни, уй жиҳозларини юқори эстетик дид билан чиройли ҳамда қулай, оила аъзоларига маънавий, руҳий, жисмоний фойда келтирадиган этиб жойланиши);
- оилавий муҳит (ота-она, фарзандлар, боболар, бувилар ва оиланинг бошқа яқинларининг бир-бирларига бўлган муносабатлари, уларнинг иноқлиги, аҳиллиги, тотувлиги, бир-бирларини яхши тушунишлари, ҳурмат қилишлари, ёрдамлашишлари, ардоқлашлари);
- оила аъзолари яшаётган жой (табиат, иқлим, минтақа, шаҳар, қишлоқ);
- замон, давр;
- ота-онанинг насл-насаби, миллати, руҳияти, соғлиғи ва дунёқараши, касб-хунари (билим даражаси, ахлоқий маданиятга эга эканликлари даражаси, савияси, диний эътиқоди, қизиқиши, диди, ишончи, ният-мақсадлари ва орзу-умидлари);
- таълим ва тарбия муассасалари; оммавий ахборот воситалари;
- илмий-техник таракқиёт.

Оила тарбияси, оилавий муносабатлар жонли, ўсиб- ўзгариб борувчи жараён экани, улар жамият таъсирида, уларга узвий боғлиқ ҳолда янгилашиб бориши айтиб ўтилди. Бинобарин, ҳар бир жамият ўзининг муайян давр ёки босқичга хос ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва ўзига мос оила турини ўзи танлайди, оилавий тарбия негизларига ўзгартиришлар киритади, ўзидан олдинги оила тарбиясини ислоҳ қилиб, бойитиб боради. Мазкур фикрларимизнинг яққол далили шундан иборатки, мустақилликка эришганимиздан сўнг, миллий-маданий меросга муносабат ҳам, оила тарбияси маъно-моҳияти ҳам ўзгарди. Асрлар давомида ота-боболаримиз ва аجدодларимиз қон-қонига сингиб кетган қадриятлар- га, ажойиб анъаналарга

муносабатнинг ўзгариши натижасида жамиятда ва унинг узвий қисми бўлган оилаларда маънавий-руҳий, ижтимоий, ҳуқуқий юксалиш аломатлари кўзга ташланди<sup>1</sup>.

**Материаллар:** Шу ўринда, мустақиллик йилларида оила феноменига давлат аҳамияти даражасида жиддий эътибор қаратилганлиги, оилани ҳар тарафлама ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий-маънавий ҳимоя қилишга астойдил киришилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу, аввало, Асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди. Жумладан, Конституциямизнинг учинчи бўлим, XIV боби «Оила» деб номланган бўлиб, ундаги 63–66-моддаларда оиланинг ижтимоий-тарихий роли, аҳамияти ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда аҳамияти қонуний асосларда аниқ-равшан белгилаб берилган<sup>2</sup>.

Бу моддаларда оиланинг «жамиятнинг асосий бўғини» эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги, оила қуришга асос бўлувчи никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши (63-модда), ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги (64-модда), давлат ва жамият етим болаларни ёки ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган фарзандларни ўз қарамоғига олишни, шунингдек, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши (64-модда), фарзандлар ота-оналар насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги (65-модда), оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши (шу модда) каби ғоят муҳим масалаларга ҳуқуқий мақом берилди.

Айниқса, 66-моддадаги «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» каби фикрлар жаҳон қонунчилигида ўзига хос янги ҳодиса сифатида эътироф этилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан янги Кодекс Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди ва 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб янги кодекс амалга киритилди.

Янги Кодексда биз орзу қилган янги жамиятнинг табиатини ифода этувчи, унинг асосий хусусиятларини ўзида мукамал акс эттирадиган ҳамда замонавий оилавий ҳаётнинг камол топишига, оилавий муносабатларнинг ривожланиши ва мустақамланишига фаол таъсир кўрсатишга қаратилган қоидалар мужассам бўлди. Айни пайтда, ушбу Кодексда замонавий оила қонунларини такомиллаштиришда узок йиллар давомида ҳаёт синовидан ўтган ва ижобий маъно-мазмун касб этган қоидалар ҳам сақланиб қолган. Янги Кодексга киритилган нормаларда мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик, инсонпарвар давлат вазифаларини бажаришга, умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида замонавий оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини яратишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган<sup>4</sup>.

**Усуллари:** «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси доирасида фарзанд тарбиясида ва таълим олишида ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, ўқувчиларнинг даволатини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш мақсадида 25 мингдан ортиқ, ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши бўйича 21 мингта тадбирлар ўтказилиб, ўқишга мунтазам қатнамайдиган болаларнинг ота-оналари билан 30 мингдан ортиқ тушунтириш ишлари олиб борилгани ҳам юқоридаги фикрнинг исботидир.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёни жамиятнинг барча қатламлари, ижтимоий институтлари қатори оилавий муҳитига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, оилавий тарбия омилларини ислох қилмоқда, унга янгича маъно-мазмун киритмоқда. Масалан, Японияда миллий урф-одат ва кадриятлар, жумладан, меҳнат кўникмаларини оила тарбиясидан бошлаб ёшлар онгига сингдириб

<sup>1</sup>Нажмиддинова К. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Тошкент. Адолат. 2016.Б.121.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 12-б.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 12-13 бетлар.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2000, 3-4 бетлар.

боришнинг мукамал тизими ишлаб чиқилган. Шу боис, кунчиқар мамлакатда кўплаб оилавий дўкон, бадий устахона, кичик ресторан ҳамда минглаб оилавий корхоналар фаолият юритади. Чунки, оилавий бизнесга унинг барча аъзолари ёшлигиданоқ жалб этилади ҳамда бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб боради. Шу сабабли япон оилаларида халқнинг энг яхши меҳнат кадриятлари сақланиб қолган. Одатда, япон ёшлари асосан ўз меҳнати эвазига топган пулга ўқийди, уйланади, оилавий турмушда ота-онасига оғирлиги тушмаслигига интилади<sup>5</sup>.

Шунинг учун ҳам В.М. Каримова тўғри қайд этганидек, «жамият ва оиладаги ҳар қандай ўзгаришлар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Ҳозирги улкан ўзгаришлар даври ҳар бир кишининг ҳаётига таъсир этиши билан биргаликда унинг оилавий муносабатларида ҳам ўз аксини топмоқда»<sup>6</sup>.

**Натижалар:** Маълумки, оила инсоннинг ўзлигини англаши, қобилияти ва иқтидорининг шаклланиши, эркин шахс сифатларини намоён этиши олиши учун муҳим бўлган ижтимоий макондир. Оила нафақат инсонга, балки жамиятга ҳам жуда зарур бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви, авлодлар давомийлигини таъминлашга ва тарбиялашга хизмат қилади. Оила ўзининг барча аъзолари – катталарда ҳам, болаларда ҳам узоқни кўзлаган меҳнат кўникмаларини, тadbиркорликни шакллантира олади. Хоҳ ишга, хоҳ ижодга нисбатан табиий эҳтиёжларни баҳолаш ва ривожлантиришга имконият бера олади. Инсон ҳеч қаерда ўзини оиладагидек эркин ҳис қила олмайди.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний ўз асарларида оила муҳити ва оилавий тарбия масалаларига алоҳида урғу берган, унинг фикрича: «Оилада тарбиянинг яхши усулларида тўғри фойдаланилса, оила бахтли бўлади»... «турмушдаги табиий гўзаллик инсон ахлоқида, феъл-атворида». Айниқса, олим хотин-қизлар тарбиясига жуда катта эътибор қаратган. Унинг назарида хотин билимли, жасур, шарм-ҳаёли, эрини севиши бола тарбияси ҳақида ўйлаши, эрига бўйсунуши, камтар ва фаросатли бўлиши ўзининг ва уй-рўзгорининг доимо покиза бўлишига эришиши, барча яхши феъл-атвори билан эрига маъқул бўлиш кераклигини айтади<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, инсон барча эзгулик уруғини ҳам ёвузлик уруғини ҳам оила муҳитида шакллантиради. Рухий-маънавий соғлом оила муҳитида эзгулик уруғлари қадалади, маҳалла, жамият равнақида бу уруғлар сочилади. Шундай экан, оила маънавиятини миллий ва диний кадриятлар билан уйғунлигини янада мустаҳкамлаш зарур. Ўзбекистон мустақилликка эришиши шарофати билан миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз этномаданий анъаналаримиз тиклана бориши билан фарзандларимизнинг тарбияси яхшиланишида дастлабки мевасини бермоқда. Мамлакатимизда Оила кодекси яратилди, унга кўра, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қўллаб-қувватлаш қондаси биринчи марта қонуний тартибга солинди.

**ХУЛОСА:** Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, республикаимизда оиланинг ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда оилавий тарбияни юксалтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Нажмиддинова К. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. Тошкент. Адолат. 2016. Б.121.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. 12-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2000, 3-4 бетлар.
4. Раҳимов М. Оилада меҳнат тарбияси // Оила, 2004, 1-сон, 57-б.
5. Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар. Фарғона Давлат университети. – Фарғона, 1994. 4-бет.

<sup>5</sup> Раҳимов М. Оилада меҳнат тарбияси // Оила, 2004, 1-сон, 57-б.

<sup>6</sup> Каримова В.М. Ёшларда ўзбек оиласи тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар; Фарғона Давлат университети. – Фарғона, 1994. 4-бет.

<sup>7</sup> Э. Тўрақулов, С. Раҳимов «Абу Райҳон Беруний (руҳият ва таълим тарбия ҳақида)». Ўқитувчи 1992. 65-бет.